

Куч – адолатда

Адл ила оламузин обод қил!

2025 йил
31 январь,
жума
№ 5 (1039)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

<http://www.kuch-adolatda.sud.uz>

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЮҚОРИ ДАРОМАДЛИ ЭКИНЛАР ЕТИШТИРИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев томорқада ва ижарага берилган экин ерларида даромадли маҳсулот етиштиришнинг янги тизими бўйича йўналиш ўтказди.

Омилкорлик ва таркибий ўзгаришлар туфайли қишлоқ хўжалиги майдонларидан мўл ҳосил олинмоқда. Шу билан бирга, бошқа ерларни ҳам “иқтисодий актив”га айлантириш, одамларни ишла қилиб, даромадини ошириш чоралари кўриляпти.

Масалан, 5 миллиондан зиёд хонадонда 508 минг гектар томорқа, аввал ташкил этилган деҳқон хўжаликларидан 17 минг гектар ва сўнгги йилларда аҳолига тарқатилган 260 минг гектар ер бор. Бу озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда энг катта заҳира.

Ўтган 7 йилда томорқа эгалари ва деҳқон хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш учун жами 2,3 триллион сўм имтиёзли кредит ва 265 миллиард сўмлик субсидия берилган. Одамларнинг кўникмасидан келиб чиқиб, 5 минг 145 та маҳалла мева-сабзавот етиштириш, қўлчиллик, лимончилик каби йўналишларга ихтисослаштирилган.

Энг асосийси, одамлар ерга ишлов беришни, замонавий агротехнологияларни қўллашни яхши ўрганди. Илгари томорқада гектардан ўртача 18 тонна маҳсулот олинган бўлса, ҳозирда бу 2 карра ошиб, 38 тоннага етди.

Маҳаллаларда қўшимча 470 минг тонна мева-сабзавотни сақлаш, саралаш ва қайта ишлаш қувватлари

яратилди. Бу борада яхши тажриба яратган туман ва маҳаллалар жуда кўп. Асака, Жондор, Шахрисабз, Уйчи, Қизилтепа, Янгийўл, Тойлок, Ангор, Қува, Олтиариқ каби ўнлаб туманларда одамлар томорқадан 2-3 марта ҳосил олиб, бир сотихдан ўртача 15-20 миллион сўм даромад топапти.

Бундай ишларни бошқа жойларда ҳам ривожлантириш учун аҳоли, қайта ишловчилар ва экспортчиларнинг таклифлари ўрганилди.

Масалан, самарқандлик боғбонлар узум кўчатини шпалерга ўтказиш учун субсидия беришни сўраган. Бундай усулда ҳосил 2 карра ошади. Бу қўллаб-қувватланиб, ҳар бир шпалер учун 15 минг сўмгача субсидия ажратилган бўлди. Шунингдек, майизни осма усулда қуритиш ускуналари учун оливайи тadbиркорлик дастури доирасида имтиёзли кредит берилиши айтилди.

Сурхондарё вилояти Денов туманидаги Тасмасой маҳалласида 875 та хонадон томорқасида цитрус мева кўчати ва лимон етиштириб, ҳар бири йилига 200 миллион сўмгача даромад олапти. Саросиё ва Олтинсойдаги мингдан зиёд хонадонлар ҳам “хандак” ва “термос” усулида лимон етиштириш ташаббусини билдирган.

Янгийўллик деҳқонлар ҳам ўзимизнинг кўчат уруғлари йўқолиб кетгани, сифатли нав етишмаслигини айтган. Булар бўйича вазиятни ўнглаш, аҳоли ташаббусларини амалга ошириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари томорқа ва

деҳқончилик ерларида юқори даромадли ва экспортбоп экинлар экиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва молиялаштириш бўйича янги ташаббусларни маълум қилди.

Деҳқон хўжалиқлари ва томорқани ривожлантириш бўйича алоҳида кенгаш тузилади. У аҳолини ўқитишдан торттиб, уруғ, қўчат етказиш, маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш ва экспортга чиқариш занжирини яратиш билан тизимли шуғулланади.

Мазкур кенгаш бошқарадиган “Узагрос” холдинг компанияси ташкил этилади. Ушбу холдинг таркибида мева-сабзавотчилик йўналишларига ихтисослашган 15 та компания очилади. Ушбу компаниялар мева-сабзавот етиштириш бўйича ўз брендини яратган 15 та драйвер тумани янги бошқича олиб чиқиб, уларнинг тажрибасини яна 72 та туманда омалаштиради.

Ҳар бир компанияга бюджетдан 20 миллиард сўмдан маблағ ажратилади. Томорқа кенгашида алоҳида жамғарма ташкил қилиниб, дастлабки бошқичда 260 миллиард сўм ва 1,2 триллион сўмлик кредит портфели берилади.

Бунинг ҳисобига 15 та компания бириктирилган туманлардаги ихтисослашган маҳаллалар аҳолисини ўзига мижоз қилиб, маблағ билан таъминлайди. Томорқада ҳосилни қўлайтириш учун четдан янги технология ва экспертлар олиб келади. Хонадонларга ҳосилдор уруғ ва қўчат, сифатли ўғит етказиш, агротехник хизматлар курсатиш, маҳсулоти-

ни қайта ишлаш, сақлаш ва экспорт қилишда қўмақлашадиган тизим ташкил этилади.

Уруғчилик институтлари билан ҳамкорлик ривожлантирилади. Танлаб олинган туманларда “яшил” иссиқхоналар ташкил этилади.

Умуман, аҳоли томорқасида озиқ-овқат етиштиришни молиялаштириш учун қарийб 5 триллион сўм йўналтирилиши белгиланди.

Деҳқон хўжалиқлари ва томорқа эгаларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча имкониятлар яратилади.

Жумладан, маҳалла ва хонадонларда музлатгич, қадоқлаш, қуритиш, қайта ишлаш омборлари ва иссиқхоналар қурилиб, аҳолига 5 йилда бўлиб тўлаш шарти билан тайёр ҳолда берилади. Томорқа хизматларини йўлга қўйган тadbиркорларга 7 йил муддатга 17,5 фоизли имтиёзли кредит ажратилади. Аҳоли ва деҳқонларнинг энг намунали лойиҳалари учун ҳар йили 20 миллиард сўмлик грантлар эълон қилинади. Бунда 500 та маҳалладаги энг зўр лойиҳага 40 миллион сўмдан грант берилади.

Шу билан бирга, маҳаллада экспортбоп маҳсулот етиштиришни йўлга қўйиб берган уста-деҳқонларга 100 миллион сўмгача, қисқа муддатли ўқув курсини ташкил қилганларга 5,5 миллион сўм субсидия ажратилади. Сув таъминоти оғир жойларда ёмғир сувини тўплаш ва сақлаш сифатини қуриш харажатининг ярми қоплаб берилади.

(Давоми 2-бетда) ▶

Янги тахрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон – суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат деб белгилангани улкан аҳамиятга эгадир. Бинобарин, Асосий Қонунимизда инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади, дея эълон қилиниб, ундаги инсоннинг асосий ҳуқуқи ва эркинликлари кафолатлари, унинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлигини тўлиқ таъминлашга оид нормалар миқдори уч баробар ортди.

Қонун моҳияти

Аҳолининг эркин ҳаракатланиши

унга оид конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган қонунчилик такомиллашмоқда

Хусусан, Конституция-мизнинг 32-моддасида қонуний асосларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиб турган ҳар ким мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилди. Бундан қонунда белгиланган чекловлар мустасно ҳисобланади.

Ҳозирги даврнинг шиддатли глобаллашув ва интеграциялашув жараёнлари натижасида миграция оқими кучайиши хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш билан бир қаторда, шахснинг эркин ҳаракатланиши ҳамда яшаш учун турар жой



Кутбиддин БУРХОНОВ,

Олий Мажлис Сенати Мудоффа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси

танлашига доир ҳуқуқларини самарали кафолатлаш механизмининг жорий этиши тақозо этмоқда.

(Давоми 3-бетда) ▶

Қонун ижодкорлиги

Сўғурталаш тизими



деҳқон ва фермерлар учун катта имконият

Кейинги йилларда мамлакатимизда ички ва ташқи бозорда ижтимоий аҳамиятга эга асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг йилдан-йилга ортиб бориши ва бу эҳтиёжини қондириш ҳамда республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш учун маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини қўлайтиришга қаратилган бир қатор муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатиб келаётган фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш бу йўналишда устувор мақсад этиб белгиланган.

Шу маънода “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида бу борада муҳим чора-тадбирлар белгилангани диққатга сазовор. Шулардан бири – Стратегиянинг 54-мақсадида кўзда тутилган қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини кескин ошириш вазифасидир.

Маълумотларга кўра, 2025 йил 20 январь ҳолатида, Ўзбекистон аҳолиси 37 миллион 576 минг нафардан ортиқни ташкил этди. 2030 йилга ке-

либ, бу кўрсаткич 43 миллион кишига етиши кутилмоқда. Бу, ўз навбатида, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби 1,2 баравар ошади, деганидир.

Шу маънода “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида бу борада муҳим чора-тадбирлар белгилангани диққатга сазовор. Шулардан бири – Стратегиянинг 54-мақсадида кўзда тутилган қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини кескин ошириш вазифасидир.

Маълумотларга кўра, 2025 йил 20 январь ҳолатида, Ўзбекистон аҳолиси 37 миллион 576 минг нафардан ортиқни ташкил этди. 2030 йилга ке-

(Давоми 3-бетда) ▶

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар негизда жиноят процессида шахснинг ҳуқуқи ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишнинг илғор хорижий тажрибага асосланган замонавий механизмлари миллий қонунчиликка имплементация қилинаётганлиги ижобий жараёндир. Бунга мисол тариқасида айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув институтини келтириш мумкин.

Менда таклиф бор

АЙБГА ИҚРОРЛИК БЎЙИЧА КЕЛИШУВ ИНСТИТУТИ: мазмун-моҳияти ва уни қўллаш тажрибаси

Процессуал қонунчилигимизда мутлақо янги ҳисобланган ушбу ҳуқуқий институт АҚШда, шунингдек, Европа ва МДХ мамлакатларида кенг қўлланилиб келинади. Бу борада бир ярим асрлик амалий тажрибага эга бўлган АҚШда ҳар йили жиноят ишларининг 95 фоизга яқини судлар томонидан соддалаштирилган тартибда қўриб чиқилади.

(Давоми 2-бетда) ▶



Хайруллохон КАМОЛОВ,

жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар суди раиси

Қонун қўмағи

Тadbиркорга қарши даъво

суд томонидан рад этилди

Тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқи ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилиш судлар зиммасига юклатилган долзарб вазифалардан бири бўлиб, айниқса, иқтисодий судларнинг бу борадаги масъулияти жуда катта. Бинобарин, тadbиркорлик фаолияти билан боғлиқ ҳар бир ишда уларнинг ҳуқуқлари устуворлиги принципига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлат активларини бошқариш агентлиги Андижон вилоят ҳудудий бошқармасининг “Бадаловлар келажаги 2020” оилавий корхонасига нисбатан Хўжаобод туманлараро иқтисодий судига қиритган даъво аризаси ҳам фикримизга мисол бўла олади. Гап шундаки, 2021 йил 25 январда Ўзбекистон Респуб-



ликаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги “Электрон-онлайн аукционларни ташкил этиш маркази” давлат унитар корхонаси томонидан электрон-аукцион савдоси ўтказилади.

Мазкур савдода Булоқбоши туман ҳокимлиги балансидаги “Кўприкбоши қишлоқ врачлик пункти” бино иншо-

отларини 6 ой муддатда 2 миллиард сўм инвестиция киритиш ва 35 тадан кам бўлмаган янги иш ўринлари яратиш шарти билан “Бадаловлар келажаги 2020” оилавий корхонаси 4 000 001 сўмга сотиб олиб, аукцион ғолиби деб топилди. Шу кунги тегишли ғолиблик баённомаси расмийлаштирилади.

(Давоми 2-бетда) ▶

Шарҳ

Олий суд пленумининг янги қарори

Одил судловни янада самарали амалга оширишга хизмат қилади

Шу ўринда давлат божи бошқа турдаги мажбурий тўловлар қатори Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг таркибий қисмини ташкил этишини қайд этиш лозим. Бинобарин, ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, судлар давлат божини ундириш тўғрисидаги қонун талабларига қатъий риоя этишлари талаб қилинади.

Бу ҳақда сўз борганда, 2024 йил 16 декабрда Олий суд Пленуми томонидан “Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида”ги қарор қабул қилингани-

ни қайд этиш ўринлидир.

Олий суд Пленумининг шу масалага оид олдинги қарори бундан 15 йил илгари, яъни 2009 йилда қабул қилинган бўлиб, ўтган давр ичида қонунчиликда бир қатор ўзгаришлар юз берди. Айниқса, янги тахрирдаги Конституциямиз, “Давлат божи тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари қабул қилингани мазкур қарорнинг янги тахририни қабул қилиш заруриятини юзага келтирди.

(Давоми 2-бетда) ▶



Гулнора МИРЗАЕВА,

Олий суд судьяси

Бугунги кунда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, аввало, халқ манфаатларини кўзлайди. Зеро, соҳадаги айни янгиликлар фуқароларнинг ҳуқуқи ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилишга, юрtdошларимизнинг судга нисбатан ишончи орттиришга, суд ҳокимияти обрўсини янада оширишга, унинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга қаратилган.

Тарих тилсимлари



Гринвич обсерваториясида Мирзо Улуғбек асос солганми?

Лондоннинг жануби-шарқий қисмидаги Гринвич тумани Буюк Британия пойтахтининг нисбатан сокин ва кўркам маъзеларидан бири саналади. Бу ҳудудда жаҳонга машҳур Гринвич обсерваторияси ҳам жойлашган.

(Давоми 4-бетда) ▶

Шарҳ

Олий суд Пленумининг ЯНГИ ҚАРОРИ



ОДИЛ СУДЛОВНИ ЯНАДА САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Қарор амалиётда йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг олдини олиш, айрим ноаниқ ҳолатлар юзасидан тушунтириш бериш, судлар томонидан қонун меъёрларини бир хил талқин қилиниши ва ягона амалиётни яратишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Пленум қарорига судлар томонидан давлат божи ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, судларда турлича амалиёт юзага келишига сабаб бўлган ҳолатларга батафсил тушунтиришлар бериш ҳақида янги бандлар киритилди. Хусусан, “Давлат божи тўғрисида”ги қонун талабидан келиб чиқиб, қарорнинг 6-бандида бир вақтнинг ўзида бири иккинчисидан келиб чиққан талаблардан иборат бўлган аризалардан давлат божи фақат асосий талаб бўйича ундирилиши ҳақида тушунтириш берилди.

Бу ўринда, масалан, қурилми бундиринг ва ерни ўз ҳолига қайтариш; кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш, кредит қарздорлигини ундириш ва ундирувни гаров мулкига қаратиш; меросхўр деб топиш, меросни тақсимлаш ва мерос улушларини белгилаш; уй-жойга киритиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини белгилаш; фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ва турар жойдан кўчириш ҳақидаги талаблар ҳақида сўз бормоқда.

Қарорнинг 4-бандида судларнинг эътибори суд ҳужжатларининг суд харажатлари қисмидан норози бўлиб берилган апелляция, кассация ва тафтиш шикоятлари бўйича давлат божи умумий асосларда тўланиши лозимлиги қаратилган. Бунда Фуқаролик-процессуал кодексининг 396, 416 ва 419²⁷-моддаларига асосан апелляция, кассация ва тафтиш инстанцияси судлари суд ҳужжатларини тўлиқ тақозо этилади.

Қарорнинг 13-бандида почта харажатларини қайтариш қонунда назарда тутилмаганлигини судлар инобатга олишлари лозимлиги бўйича берилган тушунтириш ҳам ягона суд амалиётини йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, “Давлат божи тўғрисида”ги қонун билан белгиланган “Давлат божи ставкалари”нинг фуқаролик ишлари бўйича судларга оид қисмида шартнома олди низолари бўйича тўланиши лозим бўлган давлат божи ставкалари белгиланмаган. Қолаверса, Фуқаролик-процессуал кодексининг 129-моддаси 2-бандида мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъволар бўйича давлонинг баҳоси

талаб қилинаётган мол-мулкнинг қийматига қараб белгиланиши назарда тутилган. Шу сабабли Олий суд Пленуми қарорининг 25-бандида шартномани ҳақиқий эмас деб топиш ёки бекор қилиш ҳақидаги талаб юзасидан низоли шартномада кўрсатилган пул қиймати даъво баҳоси ҳисобланганидан келиб чиқиб, давлат божи мулкни хусусиятга эга даъво аризалар учун қонунда белгиланган ставка бўйича тўланиши лозимлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, шартнома шартларини ўзгартириш ёки унга қўшимча киритиш ҳақидаги талаб бўйича сўралаётган қўшимча ёки ўзгартиш шартнома қиймати таъсир қиладиган миқдоридан, қиймат жиҳатидан баҳоланмайдиган талаблар арз қилинган ҳолда эса, но-

ПЛЕНУМ ҚАРОРИГА СУДЛАР ТОМОНИДАН ДАВЛАТ БОЖИНИ УНДИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ, ШУНИНГДЕК, СУДЛАРДА ТУРЛИЧА АМАЛИЁТ ЮЗАГА КЕЛИШИГА САБАБ БЎЛГАН ҲОЛАТЛАРГА БАТАФСЛ ТУШУНТИРИШЛАР БЕРИШ ҲАҚИДА ЯНГИ БАНДЛАР КИРИТИЛДИ.

мулкни хусусиятга эга талаб учун белгиланган ставкалардан келиб чиқиб, давлат божи белгиланиши лозимлиги юзасидан тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, битта низо предмети бўйича бир нечта битимлар низолашланганда, давлонинг баҳоси низо предметининг қийматидан ҳажмда тегишли чиқиши шартлигини инобатга олиш тақозо этилади.

Пленум қарорини тайёрлаш жараёнида “Давлат божи тўғрисида”ги қонун ва ушбу қонун билан тасдиқланган “Давлат божи ставкаларининг миқдорлари”га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан тақлифлар ҳам ишлаб чиқилди.

Хулоса ўрнида айтганда, ушбу Пленум қарорининг қабул қилиниши судлар фаолияти учун ўта муҳимдир. Унда берилган тушунтиришлар суд амалиётини бир-хиллаштириш, суд харажатларини ундиришга оид қонунларни аниқ ва тўғри қўллашга хизмат қилиб, одил судловни амалга ошириш ва қонуний қарорлар қабул қилиш жараёнида ўз самарасини кўрсатади.

ЮҚОРИ ДАРОМАДЛИ ЭКИНЛАР ЕТИШТИРИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Яна бир янгилик — Қишлоқ хўжалиги жамғармасидан мева-сабзавот етиштириш ва қайта ишлаш лойиҳаларига кредит ажратишда гаров талаб қилинмайди. Бунда сугурта полисининг ўзи етарли бўлади. Деҳқонларга ортиқча ҳужжатларсиз имтиёзли кредит берилди.

Томорқа ва деҳқон хўжалиги ерлари, уларда етиштирилган маҳсулот ҳисобини юритиш бўйича ҳам янги тизим бўлади. Бунинг учун йил якунига томорқалар ва экин ерлари алоҳида таснифланади. Уларда нима экилгани “онлайн маҳалла” платформасига киритилади.

Ердан самарали фойдаланиб, бир сотихда 5 миллион сўмдан юқори расмий даромад олаётган деҳқонларга ер солиғининг 90 фоизи “кэшбек” сифатида қайтариб берилди. Аксинча, томорқасига экин экмаганлардан ер солиғи оширилган миқдорда ундирилади.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Қолаверса, 2021 йил 27 январь кунини ушбу баённома асосида Давлат активларини бошқариш агентлиги Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси ва “Бадаловлар келажаги 2020” оилавий корхонаси ҳамда Булоқбоши туман ҳокимлиги ўртасида уч томонлама олди-сотди шартномаси тузилган. Айни шартнома бўйича ҳам тадбиркор 6 ой мобайнида 2 миллиард сўм инвестиция киритиш ва 35 тадан кам бўлмаган янги иш ўрни яратиш, яъни объектада қурилиш-таъмирлаш ишларини якунлашга, қўнчилик ҳамда трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш мажбуриятини ўз зиммасига олган.

Шундан сўнг 2022 йил 20 январь ва 27 апрелда тарафлар ўртасида иккита қўшимча келишув тузилган. Уларга мувофиқ, оилавий корхонанинг инвестиция киритиш муддати 6 ойдан жами 1 йил муддатга узайтирилган. Бундан ташқари 3.Бадаловнинг зиммасига объектада куёнчилик ва трикотаж ишлаб чиқариш билан бирга мактабга таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш мажбурияти ҳам юкланган.

Бироқ оилавий корхона раҳбари шартномада белгиланган мажбуриятларини лозим даражада бажармаган. Бинобарин, Давлат активларини бошқариш агентлиги Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси 2023 йил 12 июль кунини унга олди-сотди шартномаси ва

Ҳозир бу соҳада “рақамли бозор” бўлмагани учун деҳқонлар мева-сабзавотига харидор, қайта ишловчи ва экспортчилар эса маҳсулот қидириб юрибди. Шу боис уларни ўзаро боғлайдиган “маркет плейс” ишга туширилади.

Охириги уч йилда 260 минг гектар ер аҳолига бўлиб берилган эди. Энди бу такомиллаштирилиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах ва Тошкент вилоятида бўш турган 3 минг 300 гектар ер тажриба тариқасида янги тартибда ижарага берилди. Бунда, контурлар 3 гектардан 50 гектарга яхлит ҳолда савдога қўйилиб, 49 йилга ижарага берилди.

Энг муҳими, бу ерлар тупроқ таркиби ва сифати таҳлили, кафолатли сув лимитини энг паст ва энг юқори чегаралари кўрсатилган ҳолда аукционга қўйилади. Бунда, нафақат шу ҳудуддаги, балки бошқа вилоятдаги тадбиркорлар ҳам қатнашиб, ер олиши мумкин бўлади. Аукцион бошлангич нархни пасайтириб бориш ва бир йўла тўлаш

шарти билан ўтказилади. У ерларнинг бир қисмига сақлаш ва қадоқлаш қувватлари қуришга ҳам рухсат берилди.

Келгуси йилдан қишлоқ хўжалиги ерлари учун солиқ ҳисоблаш тартиби ҳам ўзгаради. Ижарага берилган ернинг балл-бонитети ошса, тўланадиган солиқ ўзгармайди, аксинча, тушиб кетса, солиқ ставкаси 3 қарра ошади.

Юртимизда энг кўп истеъмол қилнадиган маҳсулотлардан бири картошқадир. 290 минг гектарда экилса ҳам, эҳтиёжнинг бир қисми импортдан қопланадиган. Негаки, нав ва ҳосилдорлик яхши эмас.

Шу боис Картошқачилик илмий-тадқиқот институтига иқлимга мос, серҳосил навларни яратиш, “ин-витро” усулида йилга 3 миллион донга туғанаклар етиштириб, тарқатиш вазифаси қўйилди.

Бу йил картошқачиликни ривожлантириш учун қишлоқ хўжалиги жамғармасидан 400 миллион сўм йўналтирилади. Импорт қилинган ҳамда маҳаллий

етиштирилган уруғлик картошқани сотишда қўшилган қиймат солиғининг 50 фоизи “кэшбек” сифатида қайтариб берилди. 2027 йилдан картошқага эҳтиёж тўлиқ ички имконият ҳисобидан қопланиши режалаштирилган.

Шунингдек, маҳсулот етиштириш ва қайта ишлаш учун техникалар етказиб бериш, деҳқонларга қўлай лизинг маҳсулотлари тақдим этиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари ҳудудлардаги уста деҳқонлар ва томорқа эгалари билан мулоқот қилди. Улардан бири — ҳовлисидаги иссиқхонада йилга 4 марта ҳосил олиб, юқори даромад топаётган қорақалпоғистонлик Генжимурат Турдимуратов “Дўстлик” орденига лойиқ кўрилди.

Мутасаддилар ва банк раҳбарлари ушбу янги ташаббусларни жорий қилиш, 1 миллион 500 минг аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари бўйича ахборот берди.

ЎЗА

● Қонун қўмағи

Тадбиркорга қарши даъво суд томонидан рад этилди



қўшимча келишувларни бекор қилиш ҳақида таклиф хати юборган.

Табиийки, тадбиркор бу таклифни қабул қилмаган. Шу боис ҳудудий бошқарма тузилган шартнома ва қўшимча келишувларни бекор қилиш ҳамда “Бадаловлар келажаги 2020” оилавий корхонаси ҳисобидан 300 миллион сўм миқдорда жарима ундиришни сўраб, Хўжаобод туманларо иқтисодий судига даъво ариза киритган.

Айтиш керакки, Фуқаролик кодексининг 236-моддасига асосан, мажбу-

риятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганда эса, иш муомаласи одатлари ёки одатда қўйилмайдиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак. Аммо “Norma qurilish konsalting” масъулияти чекланган жамиятининг 2024 йил 12 апрелдаги назорат ўлчови ҳулосасида “Бадаловлар келажаги 2020” оилавий корхонаси томонидан 694 миллион 61 минг 749 сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилганлиги қайд этилган.

Бундан ташқари “Asr audit andijon” ташкилотининг аудиторлик ҳулосасига асосан, оилавий корхона ўз мажбуриятларини тўлиқ бажариб, 2 миллиард 17 миллион 832 минг сўм миқдорда инвестиция маблағларини киритган. Шунингдек, корхонага 35 нафар ишчи ходимларни қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқлар расмийлаштирилиб, солиқ инспекциясига иш ҳақига оид ҳисоботлар тақдим этилган. “My mehnat.uz” сайти орқали эса, онлайн меҳнат дафтарчалари рўйхатга олинган.

Шундай экан, даъвогарнинг жавобгардан 300 миллион сўм жарима ундиришни сўрагани мантиққа зид. Ана шу асосларга таянган суд даъво аризани рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Мухтасар айтганда, Президентимиз ташаббуси билан юртимизда соҳа вақилларига ўз фаолиятини ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилмоқда. Тадбиркор ва ишбилармонларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Буларнинг барчаси, пировардида “тадбиркор бой бўлса, давлат ҳам, халқ ҳам бой бўлади” деган таомилни рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Иброҳим Жўраев, Хўжаобод туманларо иқтисодий суди раиси

Менда таклиф бор

Айбга иқрорлик

тергов ва суд босқичларини қисқартириш орқали ортиқча овозгарчиликка чек қўйилди;

• тергов ва судларнинг иш юкламаси сезиларли даражада енгиллашди;

• вақт ва маблағлар тежаллади;

• ўз навбатида, судларнинг иш юритишдаги қолган ишларни ҳар томонлама, синчковлик билан кўриб чиқиш имкониятлари кенгайди.

Яна шуни таъкидлаш керакки, турли хил салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида қонунчилигимизда айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни суд томонидан тасдиқлаш ҳам белгилаб қўйилган. Суд бундай келишув гумон қилинувчи, айбланувчи томонидан ихтиёрий равишда тузилган-тузилмагани, келишувнинг моҳияти ва шартларини тушунган-тушунмагани, унинг оқибатларини англаб етгани, судланувчининг ўзи шахсан келишувни қўллаб-қувватлашини аниқлайди.

Қонунда келишувнинг мазмунига ҳам муайян талаблар қўйилган. Жумладан, Жиноят-процессуал кодексининг 586³-моддасига кўра, унда:

- келишув тузилган сана ва жой, келишув тузаётган прокурор тўғрисидаги маълумотлар, келишув тузаётган гумон қилинувчининг, айбланувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, бошқа маълумотлари;
- жиноят-процессуал кодексининг 586³-моддаси бешинчи қисмида назарда тутилган шартларни бажармаганлиги оқибатлари кўрсатилган бўлиши керак.

• ҳимоячи ҳақидаги маълумотлар;

• жиноят содир этилган жой ва вақтнинг, шунингдек, исботланиши лозим бўлган бошқа ҳолатларнинг тавсифи;

• Жиноят кодексининг мазкур жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси, қисми, банди;

• гумон қилинувчига, айбланувчига қўлланилиши мумкин бўлган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар;

• айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлаш тартиби;

• содир этилган жиноятни фош этиш, жиноят иши бўйича далилларни тақдим этиш, жиноий йўл билан орттирилган мол-мулкни аниқлаш бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи келишув имзоланганидан кейин бажарилиши ўз зиммасига оладиган ҳаракатлар;

• етказилган зарарнинг миқдори ва унинг ўрни қопланиши;

Агар иш бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида бир неча шахс жалб этилган бўлса, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув ҳар бир гумон қилинувчи, айбланувчи билан алоҳида-алоҳида тузилади.

Келишув прокурор, гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси томонидан имзоланади. Келишув имзоланганига қадар гумон қилинувчи, айбланувчи келишув тузиш масаласини ва унинг оқибатларини ҳимоячи билан холи қилиб ва маҳфий ҳолда муҳокама қилиш ҳуқуқига эга.

Шуни айтиш жоизки, процессуал қонунчилигимизда белгиланган айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институти хорижий давлатларда мавжуд бўлган бу каби институтлардан баъзи жиҳатлари билан фарқ қилади.

Мисол учун АҚШ қонунчилигига кўра, келишув тузиш жараёнида жабранувчининг розилиги келишувни амалга оширишда деярли инобатга олинмайди. Миллий қонунчилигимизда эса, бу масалага кенг қамровли ёндашилган бўлиб, етказилган зарарнинг бартаф этилганлиги бундай келишув тузишнинг

муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувга доир ишлар, иш судга келиб тушган пайтдан эътиборан, бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқилади. Суд ишни кўриб чиқиб, келишувни тасдиқлаш ёки рад этиш ва ишни прокурорга юбориш ҳақида қарор чиқаради. Келишув тасдиқланган ҳолларда, суд айблов ҳукми чиқариб, жазо тайинлайди.

Жиноят кодексининг 57²-моддасига кўра, айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича тайинланадиган жазонинг муддати ёки миқдори Жиноят кодексининг Махсус қисми тегишли моддасида (энг қисмида) назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаслиги керак.

Ушбу процессуал қоидаларни қўллаш орқали жиноят ишларини тергов қилиш муддатини қисқартириш, судда ишларни соддалаштирилган тартибда кўриш эвазига одил судловни тезкор таъминлаш қўзланганига қарамасдан, бу ҳуқуқий институтнинг амалиётда қўлланиш салмоғи кўрилаётган жами ишларга нисбатан пастлигича қолмоқда.

◀(Бошланиши 1-бетда)

Зеро, бугунги кунда амалда бўлган "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида"ги қонун билан ўрнатилган айрим чекловлар фуқароларнинг республика миқдорида эркин ҳаракатланиши, яшаш жой ва келган жойни танлаш бўйича конституциявий ҳуқуқларидан тўлақонли фойдалана олмасликлари сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари доимий яшаш ёки вақтинчалик турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тартиби республика бўйича бир хил эмаслиги фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтказишда бюрократик тўсиқларни юзга келтирмоқда. Жумладан, 2024 йилнинг 11 ойи давомида Тошкент шаҳрида 243 минг 197 нафар (2023 йил давомида 194 минг 005 нафар) ва Тошкент вилоятида 271 минг 541 нафар (2023 йил давомида 101 минг 618 нафар) фуқаро доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган. Ушбу фуқаролар доимий рўйхатдан ўтишлари учун амалдаги қонун билан тасдиқланган рўйхатда келтирилган тоифаларга мансублигини тасдиқловчи қўшимча ҳужжатлар, яъни туғилганлик, никоҳ, вазийлик тўғрисидаги гувоҳнома ва бошқа бюрократик ҳужжатларни тақдим этишига тўғри келган.

Фуқароларнинг доимий яшаш ва вақтинча рўйхатга олинганлиги ҳақидаги маълумотлардан аҳоли сони статистикасини ва ҳудудлар инфратузилмасини шакллантиришда, фуқароларни таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларида ҳамда ижтимоий ҳимоя соҳасида қўллаб-қувватлашда, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда кенг фойдаланилади.

Шунингдек, фуқароларнинг сайлов жараёнларида иштирок этиш ҳуқуқидан фойдаланишларини таъминлашда доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари сўнгги вақтларда жаҳонда содир этилаётган турли қўп-қувчиллик ҳаракатлари республикамизнинг чегара зоналари, ўта муҳим ва тоифаланган объектлар, ёпиқ ҳарбий шахарчалар ва ёпиқ маъмурий-ҳудудий тузилмаларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг эркин ҳаракатланиши, турар ва яшаш жойини танлаш бўйича ҳуқуқларига чекловлар ўрнатиш заруриятини туғдирмоқда.

Айниқса, фуқароларнинг мазкур ҳудуд ва объектларда эркин ҳаракатланишлариغا чекловлар ўрнатилиши — чегара зоналари, ўта муҳим ва тоифаланган объектлар, ёпиқ ҳарбий шахарчалар ва ёпиқ маъмурий-ҳудудий тузилмалар дахлсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Амалиётда юзга келаётган мана шундай муаммолар ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида, 2023 йил 8 май кўни Президентимизнинг "Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тад-

бирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Фармонда янги тахрирдаги Конституцияни амалга ошириш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари олдига турган биринчи гагдаги вазифалар белгилаб берилди. Шунингдек, амалда рўёбга чиқариш ва қонунчиликнинг унга зид қоидаларини бекор қилиш бўйича бир қатор кечиктириб бўлмайдиган вазифалар назарда тутилди.

Жумладан, мамлакатимиз фуқароларининг эркин ҳаракатланишлари, турар ва яшаш жойини танлашга бўлган конс-

нинг яшаш жойи ва турган жой бўйича рўйхатдан ўтказиш соҳасидаги янги воқолатларга кўра, улар соҳада ягона давлат сиёсатини амалга оширади. Шунингдек, давлат дастурларини ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиши, мутахассислар тайёрланиши, қайта тайёрланиши ҳамда уларнинг малакаси оширилишини таъминлаши, рўйхатдан ўтказишга доир услубий кўрсатмаларни, тавсияномаларни ишлаб чиқиши ҳамда жорий этишда иштирок этиши мустақамлаб қўйилмоқда.

чи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда уларнинг ҳисобини юритиш мазкур тизим орқали амалга оширилиши белгиланмоқда.

Олтинчидан, фуқароларнинг яшаш жойи бўйича рўйхатга қўйилмасдан истиқомат қилиш мuddати 15 кундан 10 иш кунигача қисқартирилиб, фуқаролар ва хонадон эгаларининг ўз вақтида яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтиш борасидаги масъулияти оширилмоқда.

Еттинчидан, прокуратура органлари вазирлик ва идоралар томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, доимий яшаш гувоҳномасига эга чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг доимий яшаш ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтиш қоидаларига риоя этиш фаолияти устидан назорат олиб бориши кўзда тутилмоқда.

Мазкур қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ҳамда "Давлат божи тўғрисида"ги қонунга ўзгартиришлар киритилмоқда. Бунда аҳоли орасида ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга енгиллик яратиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётларида ҳамда маъмурий ишларни кўриб чиқишда ортиқча бюрократия ва коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш борасидаги мавжуд тартиблар соддалаштирилмоқда.

Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 223-моддаси, яъни паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун белгиланган ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий оғирлик даражасидан келиб чиққан ҳолда жарималар мақбуллаштририлиб, уларнинг қатъий миқдори белгиланмоқда. Бунда, жумладан:

- паспортсиз ёки идентификацияловчи ID-картасиз, амал қилиш мuddати туганганлиги сабабли алмаштирилиши лозим бўлган паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта билан яшаганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисми миқдоридан (амалда иккидан бир қисмидан уч бараваригача);
- паспорт ёки идентификацияловчи ID-картани яроқсизлантирганлик ёки йўқотиб қўйганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридан (амалда иккидан бир қисмидан уч бараваригача);
- яшаш ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтиш қоидаларига риоя этмаганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдоридан жарима белгиланмоқда.

Бундан ташқари ўн саккиз ёшга тўлмаган ва олтимиш ёшдан ошган шахслар паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жавобгарликка тортилмаслиги тўғрисидаги янги қоида киритилмоқда.

Шу билан бирга, паспортни ёки идентификацияловчи ID-картани шахслардан қонунга хилоф равишда олиб қўйиш ҳуқуқбузарликлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдордаги жарималар ҳам белгиланмоқда.

Мухтасар айтганда, ушбу қонуннинг қабул қилиниши аҳолининг эркин ҳаракатланишига оид конституциявий ҳуқуқи таъминланиб, ҳуқуқни қўллаш амалиётларида ортиқча бюрократик ҳамда коррупциявий ҳолатларнинг олди олинишига хизмат қилади.

□ Қонун моҳияти

Аҳолининг эркин ҳаракатланиши УНГА ОИД КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУНЧИЛИК ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

титутциявий ҳуқуқларни таъминлашга тўсиқчилик қилиб келаётган "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида"ги қонунни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳамда фуқароларни яшаш жойи бўйича рўйхатга олишда хабардор қилишнинг янги тартибининг жорий этиш белгиланди.

Шу муносабат билан Ички ишлар вазирлиги томонидан "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет эл фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисида"ги қонун тўғрисидаги қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг учинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланган "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет эл фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисида"ги қонунда бир қатор муҳим янгиликлар кўзда тутилган.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтишлари ва турар жойи бўйича хабардор қилишлари ҳамда уларни яшаш ва турар жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш соҳасидаги асосий принциплар ҳамда тушунчалар белгиланмоқда.

Иккинчидан, Ички ишлар вазирли-

Учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг чегара зонасида, ёпиқ ҳарбий шахарчаларда, ёпиқ маъмурий-ҳудудий тузилмаларда, табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар рўй берган зоналарда, шунингдек, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва ҳавфсизлигига таҳдид соладиган ҳолатларда, аҳоли пунктларида, ўта муҳим касалликларнинг ҳамда юқумли бўлмаган оммавий касалликларнинг тарқалиши, одамларнинг заҳарланиш хавфи мавжуд бўлганлиги муносабати билан аҳолининг яшаши ҳамда ҳўжалик фаолияти учун алоҳида шартлар ва режимлар жорий этилган айрим ҳудудларда ҳамда аҳоли пунктларида, ўта муҳим ва тоифаланган объектларда, фавқулодда ёки ҳарбий ҳолат эълон қилинган ҳудудларида фуқароларнинг, чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйлаб эркин ҳаракатланиши, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқи чекланиши белгиланмоқда.

Тўртинчидан, фуқароларга ҳамда доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга турган жойи бўйича рўйхатдан ўтиш учун ўзларига қўлай бўлган ички ишлар органларининг миграция ва фуқаролиқни расмийлаштириш бўлинулари, Давлат хизматлари марказлари орқали шахсан ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали онлайн тарзда мурожаат қилиш имконияти яратилмоқда.

Бешинчидан, "Е-хабар бериш" тизими жорий этилиб, турар жойи бўйича рўйхатдан ўтишга мурожаат қилган Ўзбекистон Республикасида доимий яшов-



бўйича келишув институтини: мазмун-моҳияти ва уни қўллаш тажрибаси

мазмун-моҳияти ва уни қўллаш тажрибаси

Масалан, жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар суди томонидан 2023 йилда — 471 нафар шахсга нисбатан 370 та, 2024 йилда 505 нафар шахсга нисбатан 394 та жиноят иши кўриб тамомланган бўлса-да, айбга иқрорлик тўғрисида келишув асосида бирорта иш кўрилмаган.

Фикримизча, бунинг сабаблари сифатида: **биринчидан**, ушбу процессуал тартибнинг мазмун-моҳияти ҳар бир иш бўйича гумонланувчи, айбланувчиларга етарли даражада тушунтириб берилмаётгани;

иккинчидан, уни амалиётда қўллаш механизми бўйича нормаларни такомиллаштириш лозимлигини кўрсатиш мумкин.

Шунга кўра, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институтини янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва мулоҳазаларимизни билдиришни лозим топдик.

Жиноят процессида ушбу келишувга келиш учун ташаббус кўрсатиш ҳуқуқи гумон қилинувчи ёки айбланувчига тегишлидир. Бу тоифадаги ишларда хи-

моячининг иштироки шарт ҳисобланади. Шунга қарама-қарши, аксарият ҳолларда улар ўзларининг ушбу ҳуқуқлари ва унинг оқибатлари тўғрисида етарли маълумотга эга эмас.

Шу нуқтаи назардан, жиноят ишини юритаётган шахс томонидан гумон қилинувчи ёки айбланувчига айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузиш шартлари ва уни қўллаш оқибатларини тушунтиришни норма сифатида Жиноят-процессуал кодексининг 46, 48-моддаларига киритиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 57²-моддасини ҳам такомиллаштириш лозим, назаримизда. Айни модда санкциясидаги жазолар шундай белгиланганки, аксарият ҳолларда айбланувчи келишув тузмасдан ҳам, ўзининг аҳолини енгиллаштирадиган натижага эришиши бўлади.

Масалан, уй-жойга ғайриқонуний равишда кириб, ўғрилиқ содир этган шахсга Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисми "г" бандига асосан, энг кўп — беш



йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин. Айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилган ҳолларда, унга ушбу жазо мuddатининг ярмидан, яъни икки ярим йилдан ортиқ бўлмаган жазо тайинланади.

Бу жиноятнинг санкциясида шундоқ ҳам озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазолар назарда тутилган бўлиб, шахсга фақат озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланиши эҳтимоли жуда кам. Бундай ҳол шахсини келишув тузишга рағбатлантирмайди. Шу тўғрисида бундай ишлар амалиётда кўп кўрилади, аммо айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузиш ҳолатлари кам учрайди.

Шу сабабли, санкцияда муқобил жазолар назарда тутилган ҳолларда, жазо миқдори ярмидан ошмаслик кераклиги ҳақидаги қоида барча жазоларни қўллашда татбиқ этилиши ҳақида қўшимча киритиш лозим бўлади.

Шунингдек, иш фаолияти билан бевосита боғлиқ жиноятни содир этиб, кейинчалик айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузган шахсга нисбатан жазо тайинлашда Жиноят кодексининг 45-моддасига асосан, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш масаласида турлича ёндашувлар мавжуд. Масалан, баъзи амалиётчилар қонунда тақиқ бўлмаганлиги сабабли, Жиноят кодексининг 45-моддасини қўллашга ҳеч нарса монелик қилмаслигини айтсалар, баъзилари кели-

шув тузилганлиги сабабидан шахсга модда санкциясида назарда тутилмаган жазони қўллаш мақсадга мувофиқ эмаслигини, бу, моҳиятан, қонун мазмунига зид бўлишини таъкидлайдилар.

Шундай экан, айни масалада Олий суд Пленуми томонидан тегишли тушунтириш берилса, бундай қадам мазкур йўналишда ягона суд амалиётини шакллантиришга хизмат қилган бўлар эди.

Хулоса қилиб айтганда, халқаро тажрибадан ўтган процессуал институтларнинг мамлакатимиз қонунчилигига янада такомиллаштирилган ҳолда киритилиши шахсининг ҳуқуқи ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашда муҳим омил бўлади.



деҳқон ва фермерлар учун катта имконият

◀(Бошланиши 1-бетда)

Ушбу мақсад доирасида бир гектардан олинмаган ўртача даромадни — 5 минг долларга, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида экспорт ҳажмини — йилга 10 миллиард долларга, ҳосилдорлик кўрсаткичларини пахтада — ўртача 45-50 центнерга, ғалла бўйича 80-85 центнерга етказиш режа қилинган.

Шунингдек, қўшимча 300 минг гектар ер майдони зармонвий сув тежайдиган технологияларни қўллаш орқали озуқабоп, доривор, мойли, дуккакли, шоли, ғалла, сабзавот, полиз экинлари экиб, интенсив боғ ва узумзорлар ташкил этиб, маҳаллий сабзавот, полиз, картошка уруғли таъминоти 50 фоизга етказилади.

Аммо бугунги кунда глобал даражада об-ҳавонинг кескин ўзгариши, сув таъқислиги ва бошқа табиий офатлар оқибатида кўплаб қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришда деҳқонлар қийинчилик ва йўқотишларга дуч келмоқда. Мисол учун биригина 2023 йил қиш мавсумидаги аномал совуқ таъсирида юртимиздаги 9,1 минг гектар боғ ва 4 минг гектар узумзорни совуқ уриб, 207 минг тонна ёки 8,5 фоиз ҳосил нобуд бўлган.

Келгусида бу каби ҳолатларнинг олдини олиш, аҳолини сифатли озиқ-овқат ва полиз маҳсулотлари билан таъминлашда муносиб ҳисса қўшиб келаётган фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тақозо этилади. Шунинг учун "Қишлоқ ҳўжалиги таваккалчиликларини сугурта қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, ўйлаймизки, қишлоқ ҳўжалиги соҳасига бефарқ бўлмаган ва ердан унумли фойдаланишни яхши кўрадиган халқимиз томонидан қўрилган муҳим ташаббуслардан бири бўлади.

Ушбу ҳўжатни қабул қилиш орқали мамлакатда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида таваккалчиликларни сугурта қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар янада тақомиллаштирилади. Қишлоқ ҳўжалиги сугуртасини амалга ошириш тартиби ва тамойиллари белгилаб берилди.

Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти етиштирувчилар турли

хил табиий офатлар ва бошқа хатарлардан кўриладиган зарарлари учун сугурталаш тизими орқали ҳимоя қилинади. Бунинг учун қонун лойиҳасида қишлоқ ҳўжалиги сугуртасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари белгиланмоқда.

Шу билан бирга, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида таваккалчиликларни сугурталашда сугурта муносабатларини тартибга солиш ва назорат қилишнинг ягона тизими яратилади. Сугурталаш жараёнида иштирок этувчи субъектларнинг ҳуқуқи ва мажбуриятлари белгиланиб, қишлоқ ҳўжалигини сугурталаш жамғармаси ташкил этилмоқда.

Қолаверса, қишлоқ ҳўжалигида сугурта тизимини тўлиқ рақамлаштириш, хатарларни қайта сугурталаш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчиларини сугурталашга кенг жалб қилиш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун сугурта муқофотининг 50 фоизини давлат томонидан қўллаб бериш назарда тутилмоқда.

Яқинда қонун лойиҳаси қўйи палата мажлисида депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган бўлиб, уни ишлаб чиқиш жараёнида нафақат фермер ва деҳқонлар, балки маҳаллий эксперт, олимлар билан кенг муҳокамалар ташкил қилинди. Шу билан бирга, бу борада хорижий тажриба ҳам батафсил ўрганилди.

Жумладан, дунёдаги қишлоқ ҳўжалиги сугуртаси ривожланган ҳамда Ўзбекистоннинг иқлим шароитларига яқин бўлган 4 та давлат амалиёти ўрганилди. Бу ўринда АҚШ, Канада, Испания ва Туркия давлатларининг қишлоқ ҳўжалиги сугуртаси бўйича тажрибаси ҳақида сўз бормоқда.

Мухтасар айтганда, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга қўлай шарт-шароитларни яратиш имконини беради. Сугурта тизимини ишга тушириш орқали қишлоқ ҳўжалиги экинларига хавф-хатарлар тўғрисида амалга оширилган зарар ўрнини қоплаш имконияти яратилади.

Дилрабо ХОЛБЕКОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аъраи ва суе ҳўжалиги масалалари кўмитаси раиси ўринбосари

Жиноят ва жазо

ОГОҲ БЎЛГАН — АБТОР БЎЛМАС

Кейинги пайтда Гулшан Фозилжонова (исм-шарифлар ўзгартирилди) ҳаловатини буткул йўқотди: вояга етиб қолган ўғли Аҳадбекдан умидлари катта эди, аммо у кутилмаганда ўғирликка қўл уриб, жиноий жавобгарликка тортилди.

(Давоми 4-бетда) ▶

Тарих тилсимлари

Гринвич обсерваториясига
Мирзо Улуғбек асос солганми?

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мазкур илмий муассаса инглиз қироли Карл II (1630-1685 йиллар) буйруғи билан 1675 йилда барпо этилган. Буни ташкил этишдан асосий мақсад — денгизчилар учун йўналишларни аниқ белгилаш бўлган. Шунингдек, айнан ушбу худуддан дунёдаги нолини вақт меридиани ўтган бўлиб, 1885 йилда астроном Невиль Маскелайн томонидан Гринвич вақти тушунчаси истеъмолга киритилган. Шундан буён дунё бўйича вақт ўлчов тизими айнан Гринвич меридианига қиёсан ўлчанади. Масалан, Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларида GMT (Greenwich Mean Time) +05.00 кўринишида белгиланган. Демак, бизда вақт Гринвичга нисбатан 5 соат олдинроқ юради.

Хуллас, бутун дунё ўз соатларини Гринвичга қараб тўғрилайди. Дунё соатининг белгиланишига Гринвич обсерваторияси олимларининг илмий қузатишлари сабаб бўлган. Бу муассасанинг барпо этилишига эса, Мирзо Улуғбек мактаби ҳамда унинг машхур “Зижи жадиди Кўрагоний” асарининг ҳиссаси катта бўлган, десак, хато қилмаган бўламиз.

Бундай дейишимизга иккита рад этиб бўлмайдиган далил бор: улардан бири Оксфорддаги “Илм-фан тарихи” музейида сақланаётган, Мирзо Улуғбек мактабига тегишли устурлоб; иккинчиси, шу шаҳардаги Бодлеан кутубхонасидан ўрин олган “Зижи жадиди Кўрагоний” асари кўпмақсадлидир.

Гап шундаки, ушбу кўлэ-

ма Мирзо Улуғбек ҳаётлигида кўчирилган. Бу илмий асар хошиясидаги усмонли турк тилидаги қайдлар унинг маълум вақт Усмонийлар даври кутубхонасида сақланганидан далолат беради. Катта эҳтимол билан кўлэзма 1473 йилда Мирзо Улуғбекнинг садоқатли шогирди Али Қўшчи томонидан Самарқанддан Истанбулга олиб кетилган. Али Қўшчи Фотиҳ Султон Меҳмет саройида фаолият кўрсатган, астрономия, математика, мантиқ, тилшунослик ва бошқа йўналишларда асарлар битган. У Самарқанддан кўлаб асарлар, расадхонада ишлатилган асбоб-ускуналарни, демакки, ушбу кўлэзма ҳам ўзи билан Истанбулга олиб келган бўлиши мумкин.

Кўлэзма хошиясидан ўрин олган лотин тилидаги қайдлар эса, инглиз олими Жон Гривз (1602-1652 йиллар)га тегишли. Биз Оксфордга борганимизда ушбу кўлэзма билан ҳам танишдик. Бодлеан кутубхонаси Шарқ кўлэзмалари бўлими ходими Николас Контотаснинг айтишича, бу асарни Жон Гривз 1638 йилда Истанбулда кўлаб киритган. Ж.Гривз ўша йилнинг апрелида Усмонийлар пойтахтида инглиз савдогари ва консули Питер Уайт билан учрашади. Унинг кўмагида олим Али Қўшчи Самарқанддан келтирган кўлэзмаларни, астрономик асбобларга ҳам эга бўлади. Булар орасида мисрлик олим Птоломеининг “Алмагест” асари шарҳи, Абдурахмон ас-Суфийнинг “Кўзгалмас юлдузлар тасвири ҳақида китоб” асари, Мирзо Улуғбекнинг “Зижи жадиди



Кўрагоний” асари ва шарқона услубда ясалган устурлоб ҳам бўлган.

Чунончи, Жон Гривз Шарқ тилларини жуда яхши биларди. Шу боис у “Зижи жадиди Кўрагоний”ни пухта ўрганиб чиққан, ўз қайдларини китоб хошиясига битиб қолдирган. У ўзи билан олиб келган устурлоб ёрдамида осмон жисмалари ҳаракатини тадқиқ этган. Жон Гривз айна шу асарнинг биринчи қисмида келтирилган Шарқ тақвимлари билан танишади, ернинг қуёш атрофида айланиш вақтини ҳам пухта ўрганади. Мирзо Улуғбек асарига келтирилган йилнинг ўртача узунлигига асосланган тақвим Юлий Цезарь тақвимига нисбатан аниқ ва мукамаллиги билан ажралиб турарди. Кейинчалик Мирзо Улуғбек асари асосида у Европада амалда бўлган Юлиан тақвимино ислоҳ қилиб, янги тақвимино амалда жорий этиш бўйича ҳукуматга мурожаат қилади. Аммо Гривзнинг янги тақвимино жорий этиш масаласи Англияда фуқаролар уруши кетаётгани сабабли ортага сурилади ва фақат унинг ўлимидан бир аср ўтгач, жорий этилади.

Ж.Гривз 1648 йили “Зижи жадиди Кўрагоний”даги 98 юлдуз жойлашуви жадвалини

лотин тилида чоп эттиради. Унинг ташаббуси билан ўша йилнинг ўзида “Зижи жадиди Кўрагоний”даги географик жадвал ҳам нашр этилади. 1650 йили эса, у “Зижи жадиди Кўрагоний”нинг биринчи қисмини лотинчага таржима қилиб, нашр этади. Ж.Гривз умрининг сўнгги ойларида бу таржималарни қайта нашр қилишга ҳам улгуради. Бу асарлар ўша пайтда Оксфорд, Кембриж, Лондондаги университетлар, илмий марказларда катта қизиқиш билан ўрганилади.

Жон Гривз 1652 йилда, эллик ёшда вафот этади. У Истанбулдан олиб келган кўлэзмалар ва ускуналарни Оксфорддаги Сэвил коллежига васият қилиб қолдиради. Кейинчалик оксфордлик олимлар бу асар ва ускуналардан фойдаланиб, астрономия бўйича янги излашларни амалга оширадилар. Жумладан, Оксфорд университети профессори Томас Хайд (1636-1703 йиллар) ҳам “Зижи жадиди Кўрагоний”даги турғун юлдузлар жадвалини 1665 йили форсча ва лотинчада нашр эттиради.

Бу асарлар, албатта, Англияда астрономия фани ривожига катта туртки беради. 1675 йилда Роберт Гук, Жон Кристофер синга-

ри Оксфордда таълим олган астроном олимлар Қирол Карл II буйруғига биноан Лондон яқинида расадхона қурилишига жалб этилади. Расадхона битгач, унга ана бир машхур инглиз астрономи Жон Флемстид бош астроном этиб тайинланади. Дастлаб денгизчилар учун йўналишларни аниқлаш мақсадини кўзлаган расадхона айнан тадқиқотлар асосида нолини меридиан ўтгани аниқланган худудда қурилади. Кейинчалик расадхонанинг асосий биносида аниқ вақтни белгилаш учун махсус соат ўрнатилади. Бу эса, илм-фанда машхур “Гринвич вақти” атмасига сабаб бўлади.

Хулоса шуки, бугун жаҳон миқёсида катта аҳамиятга эга бўлган ана шундай кашфиётлар, илмий истилоҳлар илдижи бевосита аждодларимизнинг ақл-заковатига бориб тақалади. Жумладан, Буюк Британияда астрономия соҳасида эришилган ютуқларда, янги тақвимдан то машхур Гринвич вақти ва обсерваториясининг қурилишигача — барчасида Мирзо Улуғбекнинг муносиб улуши борлигининг тарих шаҳодат бериб турибди.

Рустам ЖАББОРОВ,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори

Кўзгикарди
ФАКТЛАР

Фан оламида ранглар инсон руҳиятига жуда катта таъсир кўрсатиши аллақачон исботланган. Хусусан, ранглар воситасида иш унумини ошириш, одамлардаги бир қатор касалликларни даволаш мумкин. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида рангларнинг ана шу бетакор хусусиятларидан оқилона фойдаланишади.

РАНГЛАР ҚАТИДАГИ
МЎЪЖИЗАЛАР

Масалан, Японияда қизил ранглар — оловни, қизил ранглар — қўшни, чўғни; ҳаво ранг, да-алоҳида муайян рангга бўялган иморатга бир-биридан танимайдиган бир гуруҳ кишилар таклиф этилиб, уларнинг беғоналар оралигида ўзини қандай тутиши, хона ранги билан боғлиқ хулқ-атворидаги ўзгаришлар меридиан ўтгани аниқланган худудда қурилади. Кейинчалик расадхонанинг асосий биносида аниқ вақтни белгилаш учун махсус соат ўрнатилади. Бу эса, илм-фанда машхур “Гринвич вақти” атмасига сабаб бўлади.

Қадим замонларда айрим халқлар нафақат руҳий касалликларни, ҳатто унча-мунча яра-чақаларни ҳам ранглар воситасида даволашган экан. Ранглар ёрдамида даволаш тажрибаси таъбиотда ҳозирги кунда ҳам кенг қўлланилади. Масалан, жигар касалликларини — оч-қизил, бош ва товонни — мовий, нафас йўлларино лажувард ранг билан даволаш мумкинлиги аллақачон ишончли маълумотлар асосида тасдиқланган. Чиндан ҳам, қайсида ранг одамнинг ҳолатини, руҳиятини кескин ўзгартириб юбориши мумкин. Масалан, қизил ранг юракни қаттиқроқ уришга ундаб, қон босимини оширади. Мовий, яшил ранглар эса, аксинча, асабини тинчлантириб, таънага сокинлик бахш этади. Сарик ранг мия фаолиятини жонлантириб, киши хаёлини бир нуқтага жамлашга ёрдам беради. Тўқ қул рангга бўялган хоналарда ишлайдиган кишилар бошининг кўп оғриши ва ҳафсаласизликдан шижоат қилиши кўп кузатилади.

Рангларни тадқиқ этишга, айниқса, японлар илгаридан жиддий эътибор бериб келишган. Шу боис дунёда ягона бўлган Ранг институти Токио шаҳрида фаолият кўрсатади. Бу даргоҳда ранглар ҳар томонлама тадқиқ этилади, хусусан, рангларнинг инсон руҳиятига таъсири синчиқлаб ўрганилади. Шунингдек, “Ранг асослари” деб номланган фан Япония мактаблари дастурига ҳам киритилган.

Расомлар ранглар оламини иккига бўлиб, биринчи ярмига — иссиқ, иккинчи ярмига — совуқ рангларни киритишади. Бунга са-

баб, қизил, зарғалдоқ, сарик ранглар — оловни, қизил ранглар — қўшни, чўғни; ҳаво ранг, да-алоҳида муайян рангга бўялган иморатга бир-биридан танимайдиган бир гуруҳ кишилар таклиф этилиб, уларнинг беғоналар оралигида ўзини қандай тутиши, хона ранги билан боғлиқ хулқ-атворидаги ўзгаришлар меридиан ўтгани аниқланган худудда қурилади. Кейинчалик расадхонанинг асосий биносида аниқ вақтни белгилаш учун махсус соат ўрнатилади. Бу эса, илм-фанда машхур “Гринвич вақти” атмасига сабаб бўлади.

Аниқланишича, ҳар қандай ранг барча жониворларга, ҳатто энг кичик жониворларга ҳам қучли таъсир кўрсатар экан. Масалан, тажрибада аниқланишича, оддий пашшалар кўк рангини ёқтиришмас экан. Буни библиш учун шундай тажриба ўтказилган: бир хонанинг турли хил рангларнинг инсон руҳиятига, кайфиятига таъсирини таъсир ўтказиши яна бир қарра тажриба асосида исботланган.

Қадим замонларда айрим халқлар нафақат руҳий касалликларни, ҳатто унча-мунча яра-чақаларни ҳам ранглар воситасида даволашган экан. Ранглар ёрдамида даволаш тажрибаси таъбиотда ҳозирги кунда ҳам кенг қўлланилади. Масалан, жигар касалликларини — оч-қизил, бош ва товонни — мовий, нафас йўлларино лажувард ранг билан даволаш мумкинлиги аллақачон ишончли маълумотлар асосида тасдиқланган. Чиндан ҳам, қайсида ранг одамнинг ҳолатини, руҳиятини кескин ўзгартириб юбориши мумкин. Масалан, қизил ранг юракни қаттиқроқ уришга ундаб, қон босимини оширади. Мовий, яшил ранглар эса, аксинча, асабини тинчлантириб, таънага сокинлик бахш этади. Сарик ранг мия фаолиятини жонлантириб, киши хаёлини бир нуқтага жамлашга ёрдам беради. Тўқ қул рангга бўялган хоналарда ишлайдиган кишилар бошининг кўп оғриши ва ҳафсаласизликдан шижоат қилиши кўп кузатилади.

Хуллас, ранглар, ҳақиқатан ҳам, ҳар бир инсон ҳаётининг бир бўлагига эмас, балки руҳияти, кайфияти ва соғлиғига муайян даражада ўз таъсири кўрсата оладиган табиий омилдир. Шундай экан, ранглар ва уларнинг хусусиятларига жиддий муносабатда бўлиши ҳаёт тарзининг ўзи тақозо этади. Негаки, рангларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида етарли маълумотга эга бўлиш — ҳар қандай инсонга кундалик ҳаётида турли буюмларни танлаш, шунингдек, яшаш, ўқиш ёки иш жойларини жиҳозлаш, шахсий дини шакллантириш ҳамда мустикал фикрлашида мунчи ўрин эгаллашади.

Интернет материаллари асосида
Шахло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Жиноят ва жазо

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Фақат амалдаги қонунларимизда халқимизга хос миллий қадриятлар — бағрикенглик, кечиримлик ва инсонпарварлик тамойиллари ўзининг тегна ифодасини толгани боис тўққизинчи синф ўқувчисига мурувват кўрсатилди, бир йил муддатга озодликни чеклаш жазоси белгиланди. Г.Фозилжонова ўғлига бу жазо сабоқ бўлган, деб ўйлаганди, аммо барибир уйга кеч келаверса, кўнгли алағда бўлаверарди. Онанинг кўнгли алдамаскан, ўғlining кейинги қилмиши ҳаммасидан ошиб тушди...

Уша қуни мактабдан соат ўн учларда уйга қайтган Аҳад онасига дўсти Зоҳиднинг уйига бориб, ишларига ёрдам бермоқчи эканлигини айтади. Она аввалга рўйхушлик бермайди, сўнг руҳсиз беради, кечга қолмай уйга қайтишини тайинлайди.

Аҳад, ҳақиқатан, ўтган йилнинг 15 апрель қуни онасининг руҳсати билан Зоҳиднинг уйига борган. Аммо уларниқанда бирон-бир юмушни бажармаган, балки икки синфдош бир пас суҳбатлашиб ўтирган, холос. Шунда Аҳад Самарқанд шаҳрида автобус ҳайдовчи таниши Абдулла акага кўнғироқ қилиб, иш сўрайди. Иш борлигини билгач, шаҳарнинг “Дахбет” кўчасига бориб туради ва у ерда Абдулла ака бошқарадиган автобусга чиқиб, соат йигирмага қадар у билан бирга ишлайди.

Иш якунида Абдулла акадан хизмат ҳақи учун 70 минг сўм олган Аҳад компьютер хонага кириб, бир пасда пулни соверади. Сўнг уйига қайтмоқчи бўлганида чўнтагида сарик чақа ҳам қолмаганлигидан кўчада санғиб юраркан, ногаҳон автотураргоҳда турган қаймоқ рангли “Дамас” автомашинасига кўзи тушади. Атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, автомашинанинг ўнг орқа эшиги ойнасини кўллари би-

ОГОҲ БЎЛГАН —
АБТОР БЎЛМАС

лан тортиб очади. Сўнгра автомашина ичига кириб, ҳайдовчи ўриниди ёнидаги қутидан 12 миллион 600 минг сўмни ўғирлайди.

Суд мажлисида қонуний вакили, онаси Г.Фозилжонова иштирокида сўроқ қилинган вояга етмаган судланувчи А. Исмоилов айбига тўлиқ иқrorлик билдирди. Унинг айтишича, икки йилдан буён компьютер ўйинлари ўйнайди, охириги пайтларда “PUBG” ўйинига берилади кетган. Буни алоҳида келтираётганимиз боиси Аҳад жабрланувчи А.Қурбонназаровнинг автомашинасидан ўғирлаб олган пулларга эртаси қуни “Дахбет” кўчасида жойлашган савдо дўконидан ўзига оёқ кийими, спорт трикоси, футболка, эркалар қўйлаги ва бош кийим сотиб олган. Сўнг Самарқанд шаҳридаги Ҳазора маҳалласига бориб, қолган пулларни “PUBG” ўйинига тиккан.

Бугунги кунда айрим ёшларнинг компьютер ўйинларига берилиб кетиш ҳоллари учрамоқда. Жиноий қилмишлари тафсилоти келтирилган Аҳад ҳам шундайлардан бўлиб чиқди. Компьютер ўйинларига муккасидан берилиши уни айни билим оладиган даврда қимматли вақтини беҳуда совериш, бундан ҳам ёмони, ўғирлик йўли билан пул топишига сабаб бўлган.

Ўрни келганда шуну айтиш жоизки, компьютер ўйинларига мутелик боланинг фикр-хаёлини буткул ўғирлайди, охир-оқибат эса, у маънавий жиҳатдан қашшоқлашиб кетиб, атрофдагиларга нисбатан меҳр-оқибатсиз бўлиб қола-

ди, ҳатто жиноят кўчасига кир-маслигига ҳам ҳеч ким кафолат беролмайди.

Вояга етмаган А.Исмоиловнинг қилмишлари ҳам фикримизни тасдиқлайди. Суд судланувчига нисбатан жазо тайинлашда амалдаги қонунлар талаби, шунингдек, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 26-бандидаги “Озодликдан маҳрум қилиш жазо тарихида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, шунингдек, судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда — ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилади”, деган раҳбарий тушунтиришларига асосланди.

Суд Жиноят кодексининг 85-моддаси 2-қисми “б” бандидан келиб чиқиб, Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан А.Исмоиловга икки йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади. Жиноят кодексининг 60, 61-моддаларига кўра, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2023 йил 17 августдаги ҳукми бўйича ўталмай қолган

озодликни чеклаш жазосини суд томонидан тайинланган жазога қўшиб, унга нисбатан узил-кесил икки йил бир ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм ўқилди.

Бундан ташқари суд вояга етмаган судланувчи ўн саккиз ёшга тўлмагани, ўн олти ёшда эканлиги эътироф этиб, содир этган жиноий қилмиши оқибатида етказилган зарарни қоплаш учун етарли мол-мулкни ёки бошқа даромад манбалари бўлмагани, вояга етмаган ота-оналари томонидан зарарларнинг айби билан етказилмаганини исботлаш имкони йўқлигини ҳисобга олди. Судланувчининг онаси фарзандини назорат қилмаганлиги учун фуқаровий жавобгар деб топилди ва қопланмасдан қолган 12 миллион 550 минг сўм миқдордаги моддий зарарни унинг ҳисобидан жабрланувчи А.Қурбонназаровнинг фойдасига ундириш суд ҳукмида алоҳида қайд этилди.

Хулоса ўрнида айтганда, юқорида баён этилган воқеадан ҳам кўринадики, фарзанд тарбиясига эътиборсиз бўлиш қутилмаган фожияларни келтириб чиқаради. Халқимиз “Огоҳ бўлган — абгор бўлмас” деб бежизга айтмаган. Айтмоқчимизки, биз бугун фарзандларимизга муносиб тарбия берсак, бу эзгу амалиямиз билан юртимиз келажагини таъминлаган бўламиз.

Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.
Зарифа АҲМЕДОВА,
жиноят ишлари бўйича
Самарқанд шаҳар суди судьяси
Абдухамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
“Куч — адолатда” мухбири

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Газета 2007 йил 23 февралда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам билан
руйхатдан ўтган.



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Икром МУСЛИМОВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шухрат ПОЛБАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ
Жамшид САДИНОВ
Муродулло ҚОДИРОВ
Замира ЭСАНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи:

Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида офсет усулида босилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллари: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўнонта
кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru

Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташиқлотлар учун - 575.
Буюртма: Г-115 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 6026
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 21⁰⁰.